

Аҳоли Пунктларини Бош Режасини Ишлаб Чиқишидаги Экологик Муаммолар

(Ўзбекистон Республикаси Наманган Вилояти Поп Шаҳри Мисолида)

Холбоев Зокиржон Ходиевич

Катта Ўқитувчи Наманган Муҳандислик-Қурилиши Институти Ўзбекистон, Наманган

A R T I C L E I N F O.

Калим сўзлар:

экологик муаммо, экологик вазият, атроф мухит компонентлари, сувни муҳофаза қилиш, оқава сув муаммолари, табиий шароит.

Аннотация:

Ушбу мақолада Поп шаҳри бош режасини ишлаб чиқишида қабул қилинган шаҳарсозлик ечимларини экологик баҳолаш жараёнида шаҳарчадаги мавжуд экологик муаммоларни аниқлаш, лойиҳада куляй экологик вазиятга босқичма-босқич эришиш учун таклиф қилинаётган ечим ва таклифларнинг етарлилиги ва самарадорлигини баҳолаш, бош режани амалга оширилган ҳолатда атроф мухит ҳолатини башорат қилиш ишлари таҳлил қилинган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2022 LWAB.


Кириши: Туман марказлари, шаҳарча ва посёлкаларни бош режаси лойиҳасида қабул қилинган меъморий-режалаштириш ва муҳандислик ечимларини амалга оширишни дастлабки экологик таҳлили Ўзбекистон Республикаси Давлат экологик экспертизаси тўғрисидаги Низом талаблари асосида бажариладиган “Атроф-муҳиттага таъсирни баҳолаш” доирасида ўтказишни талаф қиласди. Бош режада қабул қилинган ечимларни экологик баҳолашда худуддаги мавжуд экологик муаммоларни аниқлаш, лойиҳада куляй экологик вазиятга босқичма-босқич эришиш учун таклиф қилинаётган ечим ва таклифларнинг етарлилиги ва самарадорлигини баҳолаш, бош режани амалга оширилган ҳолатда атроф мухит ҳолатини башорат қилиш ишлари амалга оширилади. Ушбу ишда Наманган вилоят Поп тумани марказида жойлашган Поп шаҳарчасининг бош режасида қабул қилинган ечимларни экологик баҳолаш амалга оширилди.

Масаланинг қўйилиши: Поп шаҳарчасидаги мавжуд экологик муаммоларни аниқлаш учун атроф мухитнинг барча компонентларига таъсир кўрсатувчи антропоген манбалар чиқарадиган ташламалар, оқавалар ва ишлаб чиқариш, истеъмол чиқиндилардан ташкил топган табиий мухиттага таъсир қилувчи омиллар, муҳандислик тармоқлари, транспорт тизими бўйича коплекс изланишлар олиб борилди.

Шаҳарчанинг ривожланиши бош режаси худуднинг ривожланиши таҳмин қилинаётган аҳоли сонидан шаҳарчанинг худудини катталашиши миқдори аниқланган. Шу билан бирга шаҳарчанинг бош режасида қурилиш обьектларини жойлаштириш принциплари ўзгарганлигини эътиборга олган ҳолда транспорт тармоғини қайта шакллантириш лозимлиги, суғориш ва коллектор ва дренаж тизими реконструкция қилиш орқали ҳудуддаги экологик ҳолатни яхшилаш ва аҳолига муҳандислик иншоотлар хизматини такомиллаштириш иборат.

Асосий қисм: Поп тумани 1931 йил 10 июнда ташкил этилган. Наманган вилояти Поп тумани

Фарғона водийсининг шимолий, Наманган вилоятининг шимолий-ғарбий қисмидаги Курама тоғ тизмаларининг жанубий ёнбағри ва Сирдарё воҳасида жойлашган, майдони 2910 кв. км. Чегарасининг узунлиги 333,6 км. бўлиб, шимолдан жанубга Чотқол, Курама тоғ тизмаларидан марказий Фарғона текисликларигача бўлган кенгликларни эгаллаб, шимолдан Қирғизистон Республикасининг Жалолобод вилояти, шарқдан Чуст ва Мингбулоқ туманлари, Фарғона вилоятининг Бувайда ва Данғара, ғарбдан Тоҷикистон Республикасининг Ашт тумани, Тошкент вилоятининг Оҳангарон ва Бўстонлиқ туманлари билан чегарадош. Туман худуди геологик актив зонада жойлашган.



1-расм. Наманган вилояти Поп тумани Поп шаҳарчаси жойлашувиининг схематик харитаси

Аҳоли асосан дехқончилик ва чорвачилик, қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш, хом ашё, тайёр маҳсулотлар, бошқа товарлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан шуғулланади.

Мавжуд корхоналар фаолият йўналишига кўра атроф муҳитга таъсириининг хавфлилиги бўйича 3 ва 4-тоифасига мансуб. Шаҳарча худудидаги маъмурий-хўжалик ташкилотлари нафақат шаҳарча, балки Поп тумани бўйича хизмат кўрсатишга мўлжалланган. Шаҳарча 100% электр таъминоти, уяли алокা тармоғи билан таъминланган бўлиб, оқава сувларни чиқариш бўйича тармоқлар тўлақонли ривожланмаган.

Туман маркази бўлган Поп шаҳри компакт-режавий структурага эга бўлиб, унинг ривожланиши бевосита шаҳарчани кесиб ўтувчи республика ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган автомобиль йўллари ҳисобланади.

Поп шаҳарчасининг ривожланишида автомагистрал йўлларнинг аҳамияти катта бўлиб, уларнинг ўтказувчанлигини ошириш ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда унга туташ бўлган кўча-йўл тармоғини ривожлантириш орқали транспорт воситаларидан чиқариладиган ташламалар миқдорини камайтиришга эришилади.

Якка тартибдаги ховли-жойларнинг тартибсиз жойлашганлиги, ички маҳалла йўлларининг кисқалиги, худуднинг зонал-режавий структурасида маълум бир тартибга амал қилинмаганлиги худуддаги ерлардан самарасиз фойдаланишга олиб келган.

Маҳалла ички йўлларида суғориш-дренаж тизими унчалик ривожланмаганлиги, оқава сув тармоғи факат ижтимоий соҳа обьектларига уланганлиги, грунт ҳолатидаги ва ер ости грунт сувларидаги муаммоларни келиб чиқишига асосий сабаб бўлиб келмоқда. Суғориш тизимини етарли эмаслиги сабабли, алоҳида худудларни режа асосида ривожланмаганлигини кўрсатмоқда. Шу билан бирга шаҳарчадаги кўчаларни, спорт иншоотлари ва рекреация обьектлари, шаҳарча худудидаги кўкаламзорлаштирилган майдонлар етарли даражада эмас.

Шаҳарчанинг янги чегараси ичида транспорт, майший ва турар-жой зоналарини мақбуллаштириш ҳамда транспорт тизимини такомиллаштириш кўзда тутилган.

Бош режа лойиҳасида худудни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштирилган худудларни кенгайтириш, суғориш-дренаж тизимини реконструкция қилиш орқали муҳандислик-коммунал ривожлантириш, ичимлик сув таъминоти тизими ва оқава сув тизимларини такомиллаштириш кўзда тутилган. Шаҳарчанинг келгусидаги бош режасида ахолини асосий ва заҳира ичимлик сув билан таъминлаш манбалари кўзда тутилган.

Кўзда тутилган лойиҳавий ечимларни амалга оширилгандаги таъсирларни баҳолаш жараёнида мавжуд ҳудуд ва унга янги қўшиладиган майдонлардаги мавжуд табиий муҳит ҳолатини ўзгаришлари миқёси, интенсивлиги ва ўзгаришларни даражаси аниқланди. Бунда шаҳарча худудига қўшиладиган ер майдонларидан самарали фойдаланиш, коллектор-дренаж тизимларини реконструкция қилинганда грунт ва ер ости грунт сувлари ҳолати, ишлаб чиқариш корхоналари яқинидаги ҳамда автомобиль йўллари яқинида жойлашган турар-жой массивларидаги атмосфера ҳавосида кузатиладиган ўзгаришларга асосий эътиборни қаратилди.

Экологик баҳолаш учун шаҳарчанинг табиий-режалаштириш структураси таҳлил қилинди. Бунда ердан фойдаланиш тури ва атроф муҳит элементларига таъсир этувчи устивор манбалар каби кўрсаткичлар ҳисобга олинди.

Асосий саноат корхоналари шаҳарга нисбатан шарқда жойлашган Халқабод посёлкасидаги саноат зonasида жойлашган бўлиб, ахолининг аксарият қисми шу саноат корхоналарида фаолият кўрсатади.

Аҳоли селитеб зonasида бир қатор озиқ-овқат саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхонаси ва автотранспорт корхоналари жойлашган.

Туман маркази автомобиль йўлларининг жойлашишига нисбатан компакт режавий структурага эга бўлиб, республика ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган бир қатор автомобил йўлларининг кесишинаса жойлашган, улар шаҳар худудидан оқиб ўтувчи Шимолий Фарғона канали ва Олмоссой ўзани билан кесишиади.

Республика аҳамиятидаги 4Р112 автомобиль йўли (Шаббода кўчаси) шаҳарни вилоят маркази билан боғлайди, у шимолий-шарқий йўналишда жойлашган бўлиб, шаҳар орқали (Истиқлол кўчаси бўйлаб) жанубий ғарб томонга чиқади. Шаҳар геометрик планида ушбу йўналиш бўйлаб

ҳамда Ойбек ва Дўстлик кўчалари оралиғида шаҳар маркази ташкил топган.

Шаҳар орқали мердионал йўналишда, жанубий-шарқдан шимол томон Олмоссой ҳамда марказдан шимолроқда Шимолий Фарғона канали оқиб ўтади. ШФК нинг мавжуд трассасининг атрофида қирғоқ ҳимоя минтақаларини таъминланмаган, шаҳарнинг марказий қисмида Олмоссой бўйлаб якка тартиbdаги туарар-жой бинолари сой ўзанига жуда ҳам яқин жойлашган.

Шаҳар типидаги посёлкада, кўплаб кичик шаҳарчаларга хос бўлган селитеb ва саноат зонасининг аниқ чегараларига эга эмас. Саноат ишлаб чиқариш обьектлари, коммунал хўжалик каби обьектлар туарар-жой массивлари билан туташ ҳудудларга жойлашган.

Маҳалла ичидағи ҳудудларларда бир қатор қабристонлар жойлашган бўлиб, уларнинг атрофида якка тартиbdаги аҳоли уйлари жойлашган.

СанҚМ №350-17 “Ўзбекистон Республикасида аҳоли пунктларида атмосфера ҳавосини муҳофаза килиш” да майдони 10 гектаргача бўлган қабристонларнинг санитар муҳофаза минтақаси 100 м ва майдони 2 гектаргача бўлган қабристонларнинг санитар муҳофаза минтақаси 50 м ни ташкил қилиши лозим деган талаб кўп жойларда бажарилмаган.

Бош режани амалга ошириш даврида янги қабристон учун ер майдони ажратилган бўлиб, унинг санитар муҳофаза минтақаси таъминланади ва эскиларни беркитиш босқичма-босқич амалга оширилади.

Поп шаҳарчасининг жойлашув хусусиятидан келиб чиққан ҳолдаги экологик муаммолардан қўйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

- мавжуд автомобиль йўлларининг ўтказувчанлиги ҳозирги талабларга жавоб бермаслиги;
- аҳоли яшаш зоналарининг режали амалга оширилмаганлиги;
- йўл четларида зангор полосанинг йўклиги, йўл четларига яқин жойлашган аҳоли уйлари;
- автомобиль йўлларининг ўтказувчанлиги ҳозирги пайтдаги ривожланиш талабларига жавоб бермаслиги, уларда транспорт воситалари интенсивлиги юқорилиги;
- Поп шаҳрини оқава сув тармоғи билан тўлиқ қамраб олинмаганлиги;
- Олмоссой ва Шимолий Фарғона каналларининг қирғоқ ҳимоя зоналари тўлиқ таъминланмаганлиги.

Селитеb зонадан самарали фойдаланишдаги асосий камчиликлардан бири кўкаламзорлаштирилган ҳудудлар, парк ва истироҳат боғларининг, спорт иншоотлари ва рекреацион обьектларнинг аҳоли сонига нисбатан етарли эмаслиги ҳисобланади.

Маҳалла ичидағи кундалик майший чиқиндиларни режали тўплаш ва чиқариш масалалари якка тартиbdаги аҳоли массиви ичида етарли даражала ҳал қилинмаган. Кўп қаватли уйлар ҳамда корхона, муассасалар ичида тўплаш жойлари мавжуд.

Санитар тозалаш – бу, хар турдаги чиқиндилардан тозалаш, уларни йиғиш, вактинчалик сақлаш, зарарсизлантириш ва йўқ қилиш билан боғлиқ комплекс санитар-гигиеник жараёндир. Бу жараён эгалик ҳуқуқининг туридан қатъий назар шаҳарнинг барча ҳудудларини қамраб олган тизимли механизм хисобланади ва ШНК 2.07.01-03 и УзР СанПиN № 0297-11. талабларига амал қилган ҳолда ишлаб чиқилади ва фаолият юритади.

Шаҳарчанинг санитар тозалаш қўйидагича амалга оширилади:

- каттиқ майший чиқиндиларни Поп туманининг шимолий қисмида Ўйғурсой йўналишигига жойлашган чиқинди тўплаш майдонига олиб чиқиши. Чиқинди майдони яқинида чиқиндиларни металл, полиэтилен, пласмастмасса, қофоз, шиша, текстил турларига

ажратишига мослашган кичик завод барпо этиш тавсия қилинади. Бунинг натижасида ерга күмиладиган чиқиндилар ҳажми камайиб, атроф-михитга заарли таъсирини камайтириш;

- ўлган хайвонлар жасадини «Беккари» ўрасида ветеринар ва санитар талаблардан келиб чиқкан ҳолда заарсизлантириш ишларини чиқинди майдони ҳудудида ташкил қилиш;
- шахар ҳудудида чиқиндиларни 5 тадан кам бўлмаган металл контейнерлар билан таъминланган маҳсус майдончаларда йифиш, саралаш ва вактинчалик саклаш майдончалари сонини – 34 тага етказиши;
- механик тозалаш, автомобил йўл ва кўчаларни ювиш;
- шаҳарга хизмат кўрсатадиган туман коммунал хизмат идораларини қаттиқ ва окувчи чиқиндиларни тўплаш, чиқариб ташлаш ва кўчаларни ювишга мослашган машина ва механизмлар билан тўлиқ таъминлаш;
- чиқиндиларни саралаш, пресслаш, тахлаш ва қадоқлашга мослашган техника ва ускуналар билан чиқиндиҳоналарни таъминлаш;
- чиқинди майдонини барча инженерлик тармоқлири билан таъминлаш ва майдон атрофини 5-8 метр кенглиқда кўкаламзорлаштириш;
- оқава сув тармоқлари билан таъминланмаган аҳоли яшаш ҳудудларини маҳсус тўплаш иншооти билан таъминлаш ва уларни олиб чиқиб кетишини ташкил қилиш.

Негатив оқибатларга сабаб бўлувчи иккинчи омил турар-жой массивлари чегарасида аҳоли уйларини хаотик жойлашуви натижасида ердан норационал фойдаланиш, жамоавий аҳамиятга эга бўлган муассасаларни етарли эмаслиги ҳамда кўча-йўл тармоқлари билан етарли даражада таъминланилмаганлиги, юза сувларини ташкил қилинган ҳолда чиқарилишига мўлжалланган дренаж тизимларининг яхши ривожланмаганлиги ҳисобланади.

Шаҳарчадаги атмосфера ҳавосини ифлосантирувчи манбалар тарқоқ жойлашган. Бунда асосан атмосфера ҳавосига заарли ташлама ташловчи манбаларда унча баланд бўлмаган ва паст бўлган манбалар устивор миқдорга эга. Факат ижтимоий соҳа обьектларини иситиши қозонларининг трубалари 18-21 м баландликка эга.

Шаҳарча ҳудудида алоҳида олинган саноат зонаси ташкил қилинмаган. Шаҳарча ҳудудидаги мавжуд ишлаб чиқариш корхоналари тарқоқ ҳолда жойлашганлиги уларни инфратузилма билан таъминлаш масалаларида қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Ҳар бир ишлаб чиқариш учун керакли бўлган электр тармоқлари, ичимлик ва оқава сув тармоқларини тортиш атроф мухитга, заминга ўзининг салбий таъсириларини кўрсатади.

Шаҳар ҳудудида фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари озиқ-овқат, енгил саноат, таъмирлаш ва қурилиш тармоғининг кичик корхоналари жойлашган. Бош режада мавжуд корхоналарни қисман кенгайтириш кўзда тутилган бўлиб, кўзда тутилган асосий мақсад аҳолини эҳтиёжини қондириш ҳамда янги иш ўринларини яратишдан иборат. Кенгайтирилиши кўзда тутилган ишлаб чиқариш корхоналари асосан озиқ-овқат, енгил саноат, таъмирлаш ва қурилиш тармоғининг кичик корхоналари ҳисобланади.

Шаҳар марказида ишлаб чиқаришни кенгайтириш кўзда тутилмаганлигини асосий сабаби шаҳар ҳудудидан узок бўлмаган Халқабод саноат майдончасида саноат корхоналари жойлаштириш ва уларни кенгайтириш режалаштирилганлиги ҳисобланади.

Мавжуд ишлаб чиқариш корхоналарининг экологик хавфлилик даражасининг пастлиги, улардаги ишлаб чиқариш қувватининг катта эмаслиги, бир-биридан узоқлиги шаҳарча атмосфера ҳавосини ифлослантирмайди дейиш учун асос бўла олмайди. Аксарият ишлаб чиқариш корхоналаридан атмосфера ҳавосига ташланадиган заарли моддалар унча баланд

бўлмаган манбалардан ташланади бу эса ўз навбатида заарли моддаларни атмосфера ҳавосидаги концентрациясини ошиб кетиш эҳтимоллигини келтириб чиқаради.

Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи асосий компонентлар бири ҳаракатдаги транспорт воситалари ҳисобланади.

Жамиятда транспорт воситаларини кўпайиши, асосан хусусий транспортни кўпайиши хамда ишлаб чиқариш корхоналарини транспорт воситаларини кўпайиши табиий ҳол бўлиб, жамиятга жуда катта фойда келтиради. Лекин транспорт воситалари сонини ортиши ўзини ютуқлари билан биргаликда салбий оқибатларга ҳам олиб келади, яъни йўл-транспорт ходисалари кўпайиши, транспорт воситаларини атроф муҳитга ва инсонга зарар келтирувчи таъсирлари: инсон саломатлигига салбий таъсир қилувчи ишланган газлар, шовқин, титрашни ортишига олиб келади.

Аҳоли яшаш пунктлари ва сувни муҳофаза қилиш зоналарида автомобиль йўлида ҳосил бўладиган ёмғир сувлари ва эриган қор сувларини тозалаш иншоотлари орқали сугориш тармоқларига чиқариш талаб қилинади. Бунда тозалаш иншоотини конструкцияси конкрет шароитдан келиб чиқиб, ёмғир сувларини миқдорига боғлик ҳолда ўрнатилади. Автомобиль йўлларида ҳосил бўладиган ёғин сувларини тозалаш учун камерали тозалаш иншоотлари кўлланиши тавсия қилинган.

Йўл четида йўлнинг кенглигига боғлик ҳолда аҳоли яшаш пунктлари ичida 1-2 м кенгликда зангор полоса йўқлиги заарли моддаларни йўл четида жойлашган аҳолига заари ортиб боради. Шу сабабли зангор полоса ҳосил қилиниши ва полосага йўлни умумий кўринишига ҳалақит бермайдиган бута даражатлари экилиши кўзда тутиш кўзда тутилган.

Хулоса: Шундай қилиб, шаҳарча ҳудудида муҳит элементлари ҳолати бўйича аниқланган муаммоларнинг асосий сабаблари ҳудуднинг режалаштириш структураси етарли даражада ташкил қилинмаганлиги ва муҳандислик таъминот етарли эмаслиги билан характерланади, шу сабабли шаҳарчадаги экологик вазиятни шартли равишда нокулай деб баҳолаш мумкин. Шаҳарчадаги экологик вазиятни яхшилаш учун тарнспорт схемасини ривожлантириш бўйича режалаштириш тадбирларини ташкил қилиш, кўкаламзорлаштирилган ҳудудларни майдонини ошириш, сугориш ва коллектор-дренаж тизимини реконструкция қилиш, муҳандислик коммуникацияларини реконструкция қилиш бўйича масштабли ишларни ташкил қилиш, хусусан ичимлик сув ва оқава сув тармоқларини, оқава сувларни тозалаш иншооти қувватини оширган ҳолда реконструкция қилишни кўзда тутиш.

Юқоридаги мавжуд экологик вазиятни таҳлилига кўра Поп шаҳарчасини бош режасини ишлаб чиқишида атроф муҳит муҳофазасини таъминлаш, шаҳарчадаги экологик вазиятни яхшилаш бўйича амалга оширилиши кўзда тутилган қуйидаги вазифалар белгиланган:

- шаҳарчанинг бош режасини Поп туманидаги аҳолини жойлашув тизимидағи туман марказини ҳолатини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш;
- шаҳарча маркази ҳудудини кенгайиши аҳолининг табиий ўсишини ҳисобга олган ҳолда кўшиладиган атрофидаги ҳудудлар ҳисобига амалга оширилади;
- ҳудудни режалаштириш асосида аҳолини яшаш учун қулай шароит яратиш;
- шаҳарчанинг асосий ва функционал зоналари ўртасидаги транспорт ва пиёда ҳаракатининг қулай ташкил қилиш;
- шаҳарча бош режасини меъморий-режавий жиҳатдан режалаштиришда табиий шароитларни ва мавжуд режавий ситуацияни ҳисобга олган ҳолда Поп шаҳрининг шарқий томонида жойлашган Халқабод посёлкаси учун 2015 йилда ишлаб чиқилган бош режасига мувофиқ ягона ҳалқ ҳўжалиги комплексини ташкил қилиш;

➤ ҳар бир босқичда кўзда тутилган шаҳарсозлик комплексларини якунлаш мақсадида шаҳар марказини режа асосида босқичма-босқич ривожлантириш.

Қабул қилинган шаҳарсозлик ечимларини атроф муҳитнинг компонентларига таъсирни баҳолаш натижалари кўра, лойихада қабул қилинган ечимларни амалга оширилиши негатив оқибатларга олиб келмайди. Кўплаб қабул қилинган шаҳарсозлик ечимлари экологик ҳолатни яхшилашга йўналтирилган бўлиб, уларни амалга оширилиши атроф муҳитни ҳар бир компоненти ҳолатини яхшилашга олиб келади. Кўшимча табиатни муҳофаза қилишга йўналтирилган тадбирларни амалга оширилиши шаҳарча ва унинг атрофидаги атроф табиий муҳит ҳолатини янада яхшилашга олиб келади.

Лойихада кўзда тутилган атроф муҳитни муҳофазалашга йўналтирилган чора тадбирлар асосида Поп шаҳар худудини ижобий экологик вазият, шартли ижобий экологик вазият ва қониқарли экологик вазиятга эга ҳудудларга ажратиш мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. СанПиН №0350-17 «Санитарные нормы и правила по охране атмосферного воздуха населенных мест Руз» Ташкент. 2017 г.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 декабрдаги 981-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси худудида сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш тартиби тўғрисида Низом”.
3. Холбоев З. Х., Мавлонов Р. А. Исследование напряженно-деформированного состояния резаксайской плотины с учетом физически нелинейных свойств грунтов //Science Time. – 2017. – №. 3 (39). – С. 464-468.
4. Раззаков С. Ж., Холбоев З. Х., Косимов И. М. Определение динамических характеристик модели зданий, возведенных из малопрочных материалов. – 2020.
5. Razzakov S. J., Xolboev Z. X., Juraev E. S. Investigation of the Stress-Strain State of Single-Story Residential Buildings and an ExperimentalTheoretical Approach to Determining the Physicomechanical Characteristics of Wall Materials //Solid State Technology. – 2020. – Т. 63. – №. 4. – С. 523-540.
6. Абдуллаева С. Н., Холбоев З. Х. Особенности Модульного Обучения В Условиях Пандемии Covid-19 //LBC 94.3 Т. – Т. 2. – С. 139.
7. Kovtun I. Y., Maltseva A. Z. Improving the reliability of calculations of bases and soil massifs based on geotechnical control methods //Academicia: an international multidisciplinary research journal. – 2021. – Т. 11. – №. 1. – С. 1367-1375.
8. Ковтун И. Ю. Концептуальные предпосылки отчетного раскрытия информации о собственном капитале предприятия. – 2014.
9. Kovtun I. Y. Methods Without Formwork Molding of Reinforced Concrete Products //Eurasian Journal of Engineering and Technology. – 2022. – Т. 10. – С. 128-130.
10. Mavlonov R. A., Numanova S. E. Effectiveness of seismic base isolation in reinforced concrete multi-storey buildings //Journal of Tashkent Institute of Railway Engineers. – 2020. – Т. 16. – №. 4. – С. 100-105.
11. Ризаев Б. Ш., Мавлонов Р. А., Нуманова С. Э. Деформации усадки и ползучести бетона в условиях сухого жаркого климата //Символ науки. – 2016. – №. 5-2. – С. 95-97.
12. Mavlonov R. A., Numanova S. E., Umarov I. I. Seismic insulation of the foundation //EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR)-Peer Reviewed Journal. – 2020. – Т. 6.

– №. 10.

13. Mavlonov R. A., Ergasheva N. E. Strengthening reinforced concrete members //Символ науки. – 2015. – №. 3. – С. 22-24.
14. Abdujabborovich M. R., Ugli N. N. R. Development and application of ultra high performance concrete //Инновационная наука. – 2016. – №. 5-2 (17). – С. 130-132.
15. Mavlonov R. A., Vakkasov K. S. Influence of wind loading //Символ науки: международный научный журнал. – 2015. – №. 6. – С. 36-38.
16. Абдурахмонов С. Э., Мартазаев А. Ш., Мавлонов Р. А. Трещинастойкость железобетонных элементов при одностороннем воздействии воды и температуры //Символ науки. – 2016. – №. 1-2. – С. 14-16.
17. Ризаев Б. Ш., Мавлонов Р. А., Мартазаев А. Ш. Физико-механические свойства бетона в условиях сухого жаркого климата //Инновационная наука. – 2015. – №. 7-1. – С. 55-58.
18. Мавлонов Р. А., Ортиков И. А. Sound-insulating materials //Актуальные проблемы научной мысли. – 2014. – С. 31-33.
19. Мавлонов Р. А., Ортиков И. А. Cold weather masonry construction //Материалы сборника международной НПК «Перспективы развития науки. – 2014. – С. 49-51.
20. Numanova S. E. Energy-efficient modern constructions of external walls //Экономика и социум. – 2021. – №. 1-1. – С. 193-195.
21. Хамидов А. И., Нуманова С. Э., Жураев Д. П. У. Прочность бетона на основе безобжиговых щёлочных вяжущих, твердеющего в условиях сухого и жаркого климата //Символ науки. – 2016. – №. 1-2. – С. 107-109.
22. No'Manova S. E. Ta'lim jarayonida talabalarning amaliy bilimlarini rivojlantirish metodikasi //Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2021. – Т. 1. – №. 9. – С. 585-589.
23. No'Manova S. E. Qurilish materiallari, buyumlari va konstruksiylarini ishlab chiqarish //Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2021. – Т. 1. – №. 9. – С. 605-608.